
Имконияти чекланганлар ўртасида шахмат мусобақаси ўтказилди

Ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган шахсларга аввалдан юртимизда жамиятнинг ажралмас бир қисми сифатида эътибор қаратиб келинади. Айниқса, сўнгги йилларда республикамызда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларнинг спорт билан шуғулланишлари учун кўмак бериш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимизнинг “Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳа ривожига янги суръат бағишлади, десак муболаға бўлмайди.

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Риштон туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида маҳаллалардаги уюлмаган ёшлар (имконияти чекланган ёшлар) ўртасида спортнинг шахмат тури бўйича Ёшлар ишлари агентлиги кубоги мусобақаси бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада 17-20, 21-25, 26-30) ёшдаги иштирокчилар ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Бу каби мусобақалар юртимизда жисмоний имконияти чекланганлар ўртасида ҳам шахматни янада оммалаштиришга ҳамда иқтидорларни аниқлашга хизмат қилади.

Мусобақа якунида ғолиблар мусобақа ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалар билан тақдирланишди.

2021-04-27 17:11:04